

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ИЖОДКОР

*Шухрат ижодига чизгилар*



ТОШКЕНТ  
«АДАБИЁТ»  
2023

**Масъул муҳаррир:**

**Наим Каримов,**

*ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби*

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

**Нодира Соатова,**

*ЖДПУ профессор в.б, ф.ф.доктори*

**Тақризчилар:**

**Улуғбек Ҳамдамов,**

*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти  
етакчи илмий ходими, ф.ф. доктори, профессор*

**Ширин Алдашева,**

*Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ доценти, ф.ф.ф.доктори (PhD)*

Китоб Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Буюк хизматлари учун” орденлари соҳиби, адабиётимизнинг забардаст ижодкори Шухрат (Ғулом Алимов) таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан ўтказилган “**Шухрат ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти**” мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция материаллари асосида тайёрланди.

Тўпламда адибнинг ҳаёт йўли ва бадиий ижод намуналари таҳлил этилади.

Китоб адабиётшунос олимлар, изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар ва ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, ижодкор зиёлилар ҳамда барча адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

*Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий Кенгашининг  
2023 йил 10 апрелдаги 4-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.*

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-3836-3-8

© “Adabiyot”, 2023

*Сурайё ЭШОНҚУЛОВА,  
ЧДПУ профессор в.б, филология фанлари доктори*

## **ШУҲРАТНИНГ ПОЭТИК МАҲОРАТИ**

*Қалам баҳри кафида турфа ишдур,  
Магар дарё аро бутган қамишдур.  
А.Навоий*

Бирор ижодкорнинг поэтик маҳоратини ўрганиш шу шоирнинг лирикасини чуқур ва атрофлича тадқиқот қилиш ишида янги босқич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётшунослигида бадий маҳорат муаммосининг ўрганилиши, унинг янги юксалиш босқичига кўтарилаётганидан дарак беради. Биз мақолада ўзбек адабиётшунослигимиз томонидан эришилган айрим тажрибаларга асосланиб, ўзбек адабиётининг кўзга кўринган забардаст, йирик ижодкори Шуҳрат (Ғулом Алимов)нинг поэтик санъатига оид баъзи бир масалаларни текширишни мақсад қилдик. Шунингдек, Шуҳратнинг поэтик маҳоратини ўрганишда ўзининг катта эстетик-эмоционал кучини ҳамон сақлаб келаётган “шуҳратона” лирикасининг бадий хусусиятларини текширишга алоҳида эътибор беришни кўзда тутганмиз. Бизнингча, бу, биринчидан, Шуҳратнинг айрим поэтик асарларига чуқурроқ ёндошиш ва унинг шоирлик санъатини озми-кўпми очишни, иккинчидан, бадий адабиётни халқнинг маънавий бойлигига ҳамда уни тарбиялаш воситасига айлантиришда муҳим роль ўйновчи бадийликнинг аҳамиятини Шуҳрат лирикаси мисолида ўрганишни, учинчидан, ёш ижодкорлар поэтик ижодининг равнақи учун, йирик шоир ва ёзувчиларнинг

адабий тажрибалари ва ижодий анъаналарини эгаллашлари учун ёрдам беришни англатади.

Шухрат лирикасини ўқир эканмиз, унинг назми-ятини мазмун-моҳияти ҳамда мавзулар кўламининг хилма-хиллигини ҳисобга олиб, лирикасининг мавзу кўламини шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин:

**1. Маънавий-ахлоқий қадриятларни улуғловчи ва Она Ватанни мудофаа қилувчи шеърлари;**

**2. Фалсафий-ахлоқий ва панд-насиҳат йўналишидаги шеърлари;**

**3. Ишқ-муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи шеърлари;**

**4. Пейзаж лирикасида табиат ва инсон талқинини акс эттирувчи шеърлари.**

Шухратнинг бу каби лирикаси шоир ижодининг шаклланиши ва такомиллашуви билан бевосита боғланган бўлиб, унинг лирикада эришган ютуқларини ўзида тўла акс эттира олган, дейишимиз мумкин. Сабаби шоир шундай бир кўзгуки, унда ҳаёт фактлари ўз аксини топган. Ўқирманга ҳар доим тўғри йўл кўрсатишга, ҳатто қийин вазиятларда ҳам позитив кайфият улаша олади. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, умр мазмуни, ёшлик, кексалик, вақт ва мангулик ҳақида фикр қилишга мажбурлайди. Ўз ҳаётини тажрибалари билан ўртоқлашади.

Шоирнинг маънавий-ахлоқий қадриятларни улуғловчи ва Ватанни мудофаа қилувчи шеърларидаги ижодкор лирик қаҳрамони Она юртни севувчи, доим тўғри яшовчи, адолатни устун қўювчи, эртани ўйлаб иш тутувчи фазилатлари мужассам образ сифатида гавдаланади. Шухратнинг ана шундай шеърлар сирасига кирувчи *“Бобом йўли”* номли шеърда кекса чол тасвирланади. Шеърнинг дастлабки мисрасиданоқ

келажак авлодга халқимизнинг маънавиятига сингиб кетган катталарга салом бериш одобига, умуман ахлоқий қадриятларга амал қилиши кераклигини уқтиради. Сабаби ана шу лирик қаҳрамон унинг бобоси билан бирга Ватанни мудофаа қилиш учун елкама-елка жанг қилганлиги шеър тўртлигида аён бўлади:

**Сен шу чолга салом бер, ўғлон,  
Шу чол сенинг бобонгни кўрган.  
Бобонг билан туриб ёнма-ён,  
Қилич ушлаб, жангларга кирган.**

Шеърнинг кейинги тўртликларидан маълум бўладики, халқимизнинг юзлаб мард ўғлонлари жангдан қайтмаганлиги, бобосининг жанглардаги жасоратлари доврўғини шу кекса чол орқали етиб келгани, жанговар дўстининг қолдирган юки – йигитлик бурчини дўсти адо этганлиги сабабли унга нисбатан доим ҳурматда бўлишга, унинг маслаҳатларига қулоқ тутишга чорлайди:

**Жангдан бобонг қайтмади, лекин  
Довруғини шу чол келтирган.  
Гўё бобонг қолдирган юкин  
Манзилига шу чол етирган!**

Зеро, халқимиз “маслаҳатли тун қисқа бўлмас”, – дейди. “Қалб уришини ардоқлаб олган” деб шоир менталитетимизга хос ўзгача меҳр-оқибатига ишора қилади:

**Кўлини ол, қўлида бобонг  
Кафт иссиғи сақланиб қолган.  
Қулоғинг тут, дилида бобонг  
Қалб уришин ардоқлаб олган!**

Шеърнинг навбатдаги тўртлигидан халқимизнинг эр йигитлари доим тўғри сўзловчи, дилидаги тилида акс этиши, эртани ўйлаб иш тутувчи фазилатларига эгаллигини амалларидан кўриш мумкин, деб қуйидагича тасвирланган:

***Кўзига боқ, кўзида бобонг  
Акс суратин кўришинг мумкин.  
Сўзига боқ, сўзида бобонг  
Иш суръатин кўришинг мумкин.***

Шеър сўнгида шоир доим тўғри яшовчи лирик қаҳрамон орқасидан эргашса, яъни боболарнинг беғубор йўли орқали, албатта, уни шон-шуҳрат кутишини таъкидлайди:

***Йўлига боқ, йўли беғубор,  
Йўли бобонг танлаган йўлдир.  
Сен шу йўлдан адашмасдан бор,  
Бу йўлларда шон-шараф мўлдир!***

Шеър таҳлилидан кўриниб турибдики, Шуҳрат халқимизга хос маънавий-ахлоқий қадриятларни улуғлайди ва Ватанни ҳимояси ҳар бир инсон ўз бурчи деб билиши лозимлигини уқтиради. “Мозийга қараб иш тутмоқ хайрли” эканлиги, адолатни устун қўювчи ота-боболарининг шарафли йўлларида адашмасликларини сўрайди. Шоир ушбу шеърда тақрир ва таносуб, тамсил санъатларини маҳорат билан қўллаган.

Шоирнинг фалсафий-ахлоқий ва панд-насихат йўналишидаги шеърлари сирасига қуйидаги тўртлигини келтириш мумкин:

***Инсофдан кўчат эк, кўкарса агар  
Меваси ҳақиқат, ростгўйлик бўлар.***

***Дунёда ғам-ғусса, адоват тугар,  
Ҳар умид косаси шодликка тўлар.***

Шуҳрат миллатимизнинг эътиқод даражасига кўтарилган “Нимани эксанг шуни урасан” каби фалсафий-ахлоқий қарашларида инсоф кўчатидан ҳақиқат меваси, ростгўйлик етилишига ишора қилади. Инсон ўзида инсоф, диёнат каби фазилатларни тарбиялаган сари бутун борлиқ мўътадилликда бўлиши, яъни шоир “инсон тўғри бўлганда, дунё тўғри бўлади”. Ҳар бир умид қилувчининг ҳаёти ғам-ғусса, адоват каби иллатлардан фориғ бўлади. Қалби эса шодликка тўлади, деган ғояни илгари суради. Шунинг учун инсонга ўзини доим тафтиш қилишини маслаҳат беради.

***Умрни оқар сув дема, азизим,  
Ҳар томчи зилолда ҳаёт ризқи бор.  
Умрлар бўларки, биламан ўзим,  
Бир томчи сувча ҳам нафи йўқ, бекор!***

Шоир инсон умри оқар сув каби эмаслиги, ИНСОН учун ҳар бир берилган кун, соат, дақиқалар қимматли эканлиги, умрга татиғулик кунга тенг бўлиши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритади. Шунингдек, ҳаёт бир кунга тенг, – деган кескин хулосага келади. Китобхонда ҳар бир кунни қадрлаб яшаши, берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиши кераклиги тўғрисида фикр ҳосил бўлади.

***Тилингдан қўлингнинг узуну яхши,  
Бефарқлик – умрнинг қаҳратон қиши.  
Нодон даврасида ўтган юз йилдан  
Донолар суҳбатин бир зуми яхши!***

Шухрат тўртликларининг мазмун-моҳиятидан англашиладики, шоир Баҳоуддин Нақшбандий таълимотидан озиқланганлиги, Паҳлавон Маҳмуд рубойларидаги ғоялардан илҳомланган. Юқоридаги тўртликнинг биринчи мисрасида “*Тилингдан қўлингнинг узуну яхши*” деганда Баҳоуддин Нақшбандий таълимотидаги “*Дил ба ёру, даст ба кор*” шиори ётади. Шоирнинг кейинги байтларида нодон даврасида ўтган юз йилдан кўра, донолар суҳбатини бир зум бўлса ҳам афзал эканлиги Паҳлавон Маҳмуднинг “*Ёинки зиндонда бир аср ётмоқ, Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ*” рубойисини эсга солади. Шоирнинг мазмунан бой ва теран, шаклан пишиқ ва гўзал фалсафий тўртликларида дидактикага доир хилма-хил панд-насихатлар киши эътиборини тортади. Бироқ шоир лирикасида насихатгўйликка берилиб кетмаган, аксинча фалсафиёна фикрларини шундай маҳорат билан берадики, ўқувчи унинг ғояларини енгил қабул қилади. Шоирнинг юқорида келтирилган барча тўртликларида ирсоли масал санъатидан унумли фойдаланганлигини гувоҳи бўламыз.

Шухратнинг ишқ-муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи шеърларини уч туркумга тасниф этиш мумкин: *Биринчидан, инсон қалби ишққа лиммо-лим тўла бўлишига чақирувчи лирика; иккинчидан, шоирнинг ёрга соф муҳаббатини тараннум этувчи лирика; учинчидан, садоқатни улуғловчи лирика.*

Инсон қалби ишққа лиммо-лим тўла бўлишига чақирувчи лирика туркумига кирувчи шеърларида шоир наздида ҳар бир инсон қалбида дард билан яшаши, боиси “*дард доимо инсонга йўл очади*”. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқни қўзғатувчи дард бўлиши лозимлиги, ишқ билан ёниши, эл-юрти олдида фарзандлик бурчини адо этишга чақирувчи ғояларни илгари суради:

**Ён, чироғим, тонгга қадар ён,  
Ёруғингдан ёрисин жаҳон!  
Ён, чироғим, қалбим кутар, ён,  
Ён, чироғим, ором олсин жаҳон!**

**Сен ёниб тур, мен қилай ижод,  
Қарзим кўпдир элдан, юртимдан!  
Умрим ўтгач, қараб ортимдан,  
Демасинлар – кўрди бўш ҳаёт!**

**Ён, чироғим, тонгга қадар ён.**

Шеърда “Ён, чироғим”, “ён”, “Ёруғинг”, “ёрисин”, “жаҳон” каби сўзлар орқали мукаррар санъати, “ёри-син” ва “ором олсин”, “ёниб тур” ва “ижод” каби сўзлар орқали услубий жиҳатдан тазод санъати, “Ёруғингдан ёрисин” каби сўзлар орқали иштиқоқ каби бадий санъатларни қўллаш орқали шоир юксак поэтик маҳоратини намоиш қилган.

Ёки:

**Ўт тушган юракка далда берма, қўй,  
Ҳақ бўлса ўртаниб ёнсин то абад.  
Дард билан яралган бу олам, бу кун,  
Дард билан улғаяр ҳаёт, муҳаббат!**

Тўртликда “Дард билан” мукаррар санъати, “ўт”, юрак, дард, ҳаёт сўzlари ёрдамида таносуб санъати қўллаш орқали ички кечинмаларини жозибали бир тарзда акс эттиришга эришган.

Шоирнинг ёрга соф муҳаббатини тараннум этувчи лирикасида умр йўлдошига бағишланган шеърлари учрайди. Шухратнинг “Умр йўлдошимга” номли шеърида у ёшлик чоғларидаёқ қалбида ёрига нисба-

тан ёруғ юлдуз каби муҳаббати порлаганини, ёрига ўз ҳаётини ишониб топширганини айтиб, ёрини “қуралай кўзим” деб самимий эркалаши ўқирманда бир кўришда шоир қалбини соф муҳаббат забт этганлигига амин бўлади.

***Ёшлигим тонгида сени учратдим,  
Шу, – дедим, – кўксимда ёруғ юлдузим.  
Умримни гул каби қўлингга тутдим,  
Эй, умр йўлдошим, қуралай кўзим!***

Қуйидаги тўртлигида эса оилавий турмушларида бисёр синовлардан ўтганликлари, “юлдузсиз кеча” бирикмаси орқали озодликдан маҳрум бўлган айрилиқ даврларини, қийин дамларни эслайди:

***То катта тош йўлга чиқиб олгунча  
Озмунча сўқмоқлар босиб ўтмадик!  
Озмунча бўлмади юлдузсиз кеча!  
Барига ишонч-ла боқа олдик тик!***

Навбатдаги тўртлигида эса бахтли ота-она бўлганликлари, фарзандлари билан фахрланишлари, ҳам истиқболдан масрурлик, ҳам бирга ўтказган умрдан миннатдорлик ҳиссиётлари гўзал мисраларда ўз аксини топган:

***Энди-чи, уч ўғил – фарзандимиз бор,  
Сен – она, мен – ота, бахтиёр, мағрур,  
Умримнинг тонгидан бўлиб миннатдор,  
Истиқбол уфқига боқаман масрур!***

Шоир “шу бахтим” деб ёрининг исмини сўроқлаганларга фахр этиб айтишини таъкидлайди. У умр

танловидан мамнун эканлигини билдириб, бундан бошқа умр берилганда ҳам садоқат ила уни яна танлаши, фақат уни севишини билдиради:

***Гар биров севгидан савол сўрсайди,  
Номингни такрорлаб, “шу бахтим”, дердим,  
Мабодо яна бир умр кўрсайдим,  
Инонки, шунда ҳам сени севардим!***

Ушбу туркумга кирувчи бошқа бир шеърида эса ёрини кўзи тик бўлиб кутаётганлиги, ҳануз дараги йўқлигидан қалби безовталаниб, минг хаёллар ичида юрагида кўрқинчли хавотир пайдо бўлиб, уларнинг мисоли “*нозик бир ипак*” севгиси узилишини хоҳламаслигини билдиради:

***Мен сени қутаман, сендан йўқ дарак,  
Минг хаёл, минг кўйга тушди бу юрак.  
Кўрқаман, чирт этиб узилмасайди,  
Севги деб аталган нозик бир ипак.***

Шухратнинг ишқ-муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи шеърлари туркумига кирувчи садоқатни улуғловчи лирикасига доир поэзияси ноанъанавий тарзда ёндашганлигини гувоҳи бўламиз. Шоир ушбу лирикасида характер яратишнинг янги усулларини топган, кичик поэтик деталлар орқали ғояларининг моҳиятини ифодалашга киришади. У айрим поэтик деталлар ёрдами билан ҳуснини кўз-кўз қилувчи енгилтак қизларнинг аянчли ҳолатини акс эттирувчи картиналар чизади. Шоирнинг ана шундай ижодидан “*Ҳидсиз гул*” номли шеърини келтириш мумкин:

*Сен нега ҳиди йўқ гулни танладинг,  
 Ё хато қилдими қўлингда қайчи?  
 Бошқа гул йўқмиди боғингда, айт-чи?  
 Ё кўзинг алданди, ё шуми дидинг?  
 Бу гулинг, ақлимас, ҳуснини кўз-кўз –  
 Қилувчи энгилтак қиздек кулади.  
 Афсуски, чиройли, кўз алдар гуллар  
 Баъзида шунақа ҳидсиз бўлади!*

Шеърда шоир лирик қаҳрамонга қарата “Сен нега ҳиди йўқ гулни танладинг” дея боғбонни қаттиқ койийди. Кейинги мисраларда эса “Ё хато қилдими қўлингда қайчи?”, “Бошқа гул йўқмиди боғингда, айт-чи?”, “Ё кўзинг алданди, ё шуми дидинг?” каби лирик қаҳрамонга саволлар билан мурожаат қилиб, билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олиш санъати – тажохули ориф ва истифҳом санъатларидан унумли фойдаланади. Албатта, лирик қаҳрамоннинг бундай талмовсираши шеърни чиройли қилади. Сабоби кўтарилган муаммо ўта нозик. Енгил табиатлиларни очиқ-ойдин танқид қилиб, уларни нафратига дучор бўлиши шоир учун ҳам, ундай аёллар учун ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди. Лирик қаҳрамон билиб туриб билмасликка олса, ўқувчига оғир ботмайди, қайтага завқини кўзғайди. Кичик поэтик деталлар сифатида қайчи ва гул орқали ғояларининг моҳиятини ифодалайди. Гул поэтик детали ёрдамида “ҳуснини кўз-кўз – Қилувчи энгилтак қиздек кулади” деб “**ҳидсиз**” сўзи ёрдамида жамиятда ўз мавқеига эга эмас енгил табиат аёлларнинг аянчли ҳолатини акс эттирувчи картинасини яратади. Ижодкор **енгилтак аёл** бирикмаси ўрнига “**енгилтак қиздек**” бирикмасини қўллашда ҳам юксак маҳоратини намоён этган. Шоир боғбон характерини яратишда янги усулларни топган. “Афсуски, чиройли, кўз алдар гул-

лар” деб боғбончилик сирларини яхши билган лирик қаҳрамон ҳам гулларни ташқи жиҳатига ром бўлиб қолиши мумкинлигини, тажрибали боғбоннинг танлаган гули ҳиссиз эканлиги ҳар қандай ўқувчини ўйлантириб қўяди. Ўқувчи ёр танлашда унинг фақат ташқи кўринишига эмас, балки ички дунёсига эътибор қаратиш кераклигини, ёр – хулқи гўзал, ўзи эса садоқатли бўлмоғи лозим деган якуний хулосага келади.

Шоирнинг **“Ҳар гулнинг ўз эгаси бор”** номли шеърда юқоридаги ғоя давом эттирилганини кўрамиз:

**Ҳар гулнинг ўз атри, ўз эгаси бор,  
Ўзгалар қўлида бефайз, беисдир.  
Сен тутган гулгина менга азиздир!**

Шуҳрат ҳар бир гулнинг таровати ўз эгаси билан, қанчалар у гул хушбўй бўлмасин ўзгалар қўлида файзсиз, қийматсиз эканлиги айтилади. Инсонни садоқати уни азиз қилишини уқтиради.

Шуҳратнинг пейзаж лирикасида табиат ва инсон талқинини акс эттирувчи шеърлари бисёр. Сабаби табиат ижодкорлар учун ҳамиша илҳом манбайи бўлиб келган, чунки инсон қалбининг нозик кечинмаларини табиатдан айри ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тасвирлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун адабиётда, айниқса, шеърятда табиат поэтикасига мурожаат қилиш барча даврларда долзарблик касб этган. Шоирнинг **“Чинор”** номли шеъри пейзаж лирикасининг гўзал намунаси дейиш мумкин. Шуҳрат табиат ва инсон, табиат ва жамият орасидаги уйғунликни рамзий образларда санъаткорона тасвирлайди:

**Сени кўрсам рашким келади,  
Асрларнинг гувоҳи, чинор.**

*Балки бағринг сирга тўладир,  
Балки битмас ҳикоятинг бор!*

*Асрлардан асрга салом  
Олиб ўтган улкан ёшинг бор.  
Булутлардан попоқсимон  
Кийиб олган нурли бошинг бор.*

*Баҳор келса атир улашиб,  
Яна ҳуснинг очади жамол.  
Ҳафта бўйи қолур адашиб  
Қучоғингга бир кирган шамол.*

*Сен солганда бошларга соя  
Саратонни унутар киши.  
Бағринг гўё бир симфония  
Унда сайрар минг ҳаёт қуши!*

*Мунча сахий, мунча кўркамсан,  
Мунча савлат тўкиб турмасанг!  
Мунча мағрур, мунча улкансан,  
Мунча узоқ умр кўрмасанг?!*

*Сендай умр кўрсайдим кошки,  
Кошки қилсанг сабабин ошкор...  
Сени кўрсам келади рашким,  
Юз йилларнинг сирдоши, чинор!*

*Чинор деди: нега тутай сир,  
Тўғри, ёшим уч юздан ўтган.  
Менга узоқ умр бахш этган  
Она-Ерга бўлган меҳримдир!*

Шоир ушбу шеърда чиройли тасвирлар ярата ол-

ган. Шеърда лирик қаҳрамоннинг рашки келишига сабаб чинорнинг асрлар мобайнида бағрининг сирга тўла эканлиги, битмас ҳикоятининг борлигини важ қилиш орқали шоир хусни таълил санъатидан фойдаланиб, ғайритабiiй ҳолат яратади. Чинорнинг *“улкан ёшига”* ишора қилиб, у *“булутлардан попоқсимон кийиб олган”* лиги сабабли *нурли бошинг бор*” ёки баҳор келиб унга кўрк улашганлигини важ этиб, ҳафта бўйи қолган шамол чинор қучоғида адашиб қолиши мумкин деб хусни таълил орқали муболағали гўзал тасвирлар яратади. *“Унда сайрар минг ҳаёт қуши”* деб чинор бағрининг симфонияга ташбеҳлайди. Чинорга қарата *“Мунча сахий, мунча кўркамсан, мунча савлат тўқиб турмасанг! мунча мағрур, мунча улкансан, мунча узоқ умр кўрмасанг”* дея муболағанинг ғулу даражаси орқали шоирнинг қалбида мавж урган эҳтирослари таъсирчан ва жозибали ифодаланган. Инсонга хос сахийлик, кўркамлик, савлатлик, мағрурлик каби хусусиятларни чинорга кўчириш орқали ташхис санъатидан фойдаланиши ўқувчи кўз ўнгида уни аниқроқ ва улканроқ гавдалантиришга хизмат қилган.

Шеърнинг сўнгги тўртлигида шоир чинорни инсонларга ўхшатиб тўлиқ сўзлатади. Интоқ санъатини қўллаш орқали инсоният учун муҳим хулосага келувчи шоир бадий ниятини *“Менга узоқ умр бахш этган Она-Ерга бўлган меҳримдир”* деб табиат ва инсон орасидаги уйғунликни Чинор рамзий образи орқали амалга оширади.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, бадий санъатлар шоир лирикасидан ўрин олган ғояларнинг ҳаётийроқ, таъсирчанроқ ифодаланишига, лирик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, бандларнинг лафзий назокати, мусиқийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Шухрат лирикаси Шарқ шеърляти сарчашмаларидан сув ичган ижод намуналари сифатида ўзига даврдош, авлоддош бўлган шоирларнинг бирортасини такрорламайди. Унинг ижод қилиш хусусияти ўзига хос позитив кайфият улаша олиши билан ажралиб туради. Қолаверса, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбандийга издошлик, Паҳлавон Маҳмуддан таъсирланиш сезилиб туради.

Шоир шеърларининг мавзудоираси ҳам жуда кенглиги кузатилади. Хусусан, унинг маънавий-ахлоқий қадриятларни улуғловчи ва Она Ватанни мудофаа қилувчи, фалсафий-ахлоқий ва панд-насиҳат йўналишидаги шеърлари, ишқ-муҳаббат ва садоқатни тарафдор этувчи, пейзаж лирикасида табиат ва инсон талқинини акс эттирувчи мавзуларидаги сержозиб поэзиясида юксак инсоний туйғулар ва руҳият манзаралари талқини кўзга ташланади. Айниқса, Ватан таъриф этилган сатрларида чин ватанпарвар сиймоси ёлқинланиб турса, муҳаббат, ишқ ҳақидаги лирикаси янги тимсол ва бадий топилмаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шухрат назмийнинг тили анча содда ва халқона услубда ёзилган. Шоирнинг бундай ёндашуви ўқувчи эътиборини тортади, албатта. Бу унинг бадий ниятини ўқирманда осон қабул қилинишини таъминлаган омиллардандир. Шухрат бетакрор ташбих, тақрир, таносуб, тамсил, ирсоли масал, иштиқоқ, хусни таълил, муболаға, ташхис, интоқ каби санъатларни санъаткорона қўллаган. Айниқса, маснавий шаклидаги достонларида тарсеънинг бетакрор намуналари яратилган. Умуман олганда, Шухрат лирикаси ўзбек адабиётида феноменал мазмун касб эта олган. Шоир ижодига хос лирикасининг ранг-баранглиги ва ўзига хослиги фикрларимизни тасдиқлаб туради.

<b>Сурайё Эшонқулова</b>	Шуҳратнинг поэтик маҳорати Хотираларда Шуҳрат сиймоси	305
<b>Марҳабо Қўчқорова</b>	<i>ёхуд</i> “Юрагим нимани буюрса ёздим...”	319
<b>Муқаддас Тожибоева</b>	Шуҳрат ҳикояларида портрет тасвири	329
<b>Шоира Ахмедова Г.А.Исаева</b>	Шуҳратнинг “Шинелли йиллар” романида аёллар руҳиятининг бадий талқини	334
<b>Муҳайёхон Ҳамидова</b>	Шуҳрат ва Шукур Холмирзаев ижодининг қиёсий таҳлили	342
<b>Муҳаббат Жуманиёзова</b>	Шуҳрат ижодини ўрганиш	350
<b>Обидахон Файзуллаева</b>	Шуҳрат шеърий туркумлари поэтикаси	358
<b>Ширин Алдашева</b>	Шуҳрат шеърларида фалсафийлик	368
<b>Дилноза Тўраева</b>	Шуҳрат ҳикояларида миллийликнинг бадий талқини Иккинчи умрга муносиб инсон (“Шуҳрат замондошлар <i>хотирасида” китобини ўқиб</i> ”)	379
<b>Паризод Туропова</b>	Шуҳратнинг “Машраб” романида характерлар тасвири	385
<b>Миролимбек Ҳамидов</b>	Шуҳрат ижодида сафар мавзуси	389
<b>Ҳулкар Неъматова</b>	Шуҳратнинг тўртликларда мақол қўллаш маҳорати	399
<b>Гулмоҳ Донабоева</b>	Уч мунгли қўшиқ	406
<b>Санд Аҳмад</b>	Ай, Шуҳрат акам-а...	413
<b>Шукур Холмирзаев</b>		423

821.512.133-3  
84 (5Ў)6  
С 97

**АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ИЖОДКОР** [Матн]:  
*Шухрат ижодига чизгилар.* – Тошкент: “ADABIYOT”  
нашриёти, 2023. – 440 б.

ISBN 978-9943-3836-3-8

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ИЖОДКОР

*Шухрат ижодига чизгилар*

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*  
Бадий муҳаррир *Асила Умарова*  
Мусахҳиҳ *Султон Аллонов*  
Саҳифаловчи *Азамат Қаюмов*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
“ADABIYOT NASHRIYOTI” МЧЖ



Нашриёт лицензияси:  
№ АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.  
(+98) 127-30-04.



Босишга 2023 йил 23 мартда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.  
Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт босма табоғи 16,0.  
Адади 1000 нусха.

“AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.